

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМИБАЕВА УМИДА ХУРШИДОВНА

**БАКТЕРИАЛ ПНЕВМОНИЯ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН COVID-19 ДА
ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯСИ БЕЛГИЛАРНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tib3030 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таджиева Нигора Убайдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Орифжон Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х. Ю. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда SARS-Cov-2 вируси сабаб бўлган COVID-19 пандемияси аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф туғдирди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «... COVID-19 натижасида ўпкада алвеолоцитлар, эндотелиал хужайралар, иммунитет тизимининг хужайралари шикастланган вирусли инфекцияга боғлиқлиги асосланган...»¹ бўлиб, бунда цитокин, микроваскуляр шикастланишнинг ривожланиши билан тавсифланган турли хил патологик жараёнлар кузатилади, бу ўпка тўқималарида газ алмашинувининг бузилишига олиб келади ва ўткир респиратор дистресс синдром (ЎРДС) ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин, тарқалган томир ичидаги коагуляция синдроми, тромбоз ва тромбоэмболия ривожланиши мумкин. Шу билан бирга, клиник ва морфологик хусусиятлар ушбу патологик жараённи анъанавий тушунишдаги пневмоник ўзгаришлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Бундай ҳолда, бактериал пневмония касалликнинг асоратларида ўз ўрнини топади ва айнан шу ҳолат микробларга қарши терапияни тайинлаш учун ягона кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда қатор илмий марказларида COVID-19нинг эндотелиал дисфункция белгиларининг патогенетик аҳамиятини аниқлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, COVID-19нинг эпидемиологик хусусиятлари ва клиник кўринишларини асослаш, касалликнинг клиник вариантларининг SARS-Cov-2 вирусининг турли штаммларига боғлиқлиги, SARS-Cov-2 вирусининг вирулентлиги ва патогенлигини аниқлаш, касалликнинг оғир шакллари ва асоратларини ривожланиши сабабларини, COVID-19 нинг патогенетик хусусиятларини аниқлаш, SARS-Cov-2 вирусининг генетик ва фенотипик хусусиятларининг клиник ва лаборатор кўринишлари билан ўзаро боғлиқлигини асослаш, COVID-19 га қарши вакциналарнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «...пандемия ва шу каби офатлар билан боғлиқ жараёнларнинг барвақт олдини олиш, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилиш, уларнинг ечимига аниқ режа ва чоралар билан тайёр туриш тизимини яратиш.....»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш аҳоли орасида турли юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини янги

¹ Xu Z., Shi L., Wang Y. et al. Pathological findings of COVID-19 associated with acute respiratory distress syndrome// Lancet Respir Med. - 2020, Apr. -N.8(4).-[P.420–2]. [https://doi.org/10.1016/S2213-2600\(20\)30076-X](https://doi.org/10.1016/S2213-2600(20)30076-X) PMID: 32085846

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

босқичга кўтариш орқали касалликлар оқибатида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамидани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Тадқиқот республикада фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлар VI. «Медицина и фармакология» йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда, турли мамлакатларда касалланишнинг даврий кўтарилиши билан COVID-19 ҳали ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. COVID-19 касаллигини ташҳисоти, даволаш ва унинг асоратлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилишига қарамай, ушбу касаллик патогенезида эндотелиал дисфункция муаммолари, касалликдан кейинги кузатилган асоратлар ривожланиши долзарб бўлиб қолмоқда. Эндотелиал дисфункция, тромбоз ва коагулопатия жаҳон тиббиёт ҳамжамияти томонидан COVID-19 нинг асосий патогенетик кўринишлари сифатида тан олинган [Zhao Y. ва бошқ., 2020]. Askermann M. ва б. бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар (2020) томонидан яллиғланиш жараёнлари ва ангиогенез билан боғлиқ генларнинг иштироки бўйича замонавий усуллар ёрдамида аниқланиб, таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморларда юқори даражадаги ангиогенез мавжудлигини кўрсатди [Askermann M. ва бошқ., 2020]. COVID-19да нафас йўллариининг шикастланишига вирусга боғлиқ механизмлар (шу жумладан SARS-Cov-2 вируси алвеоляр эпителий ҳужайралари ва эндотелиал ҳужайраларга зарар етказиши) ва вирусга боғлиқ бўлмаган механизмлар (иммунологик шикастланиш, шу жумладан периваскуляр яллиғланиш) сабаб бўлади. Ушбу механизмлар биргаликда эндотелиал-эпителий тўсиғини йўқ қилишга ва алвеоляр бўшлиққа оқсил экссудатининг кириб боришига имкон беради, бу бактериал ва замбуруғ флорасининг ривожланиши учун қулай фон яратади [Datta S. D. ва бошқ., 2020]. Ўткир касалликдан тузалгандан кейин узок давом этадиган аломатлар ва кўплаб органларнинг бузилиши билан намоён бўладиган COVID-19 нинг чўзилган шакли хорижий олимлар томонидан қайд этилмоқда. Бу оқсил нейропилин-1 (НРП1) билан боғланиши

мумкин, бу одатда кон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF-A) учун рецептор сифатида хизмат қилади [Талотта Р., 2022]. Россиялик олимлар томонидан, эндотелиал дисфункциянинг вазомотор ва тромбоген шакллари ўрганилган. Бунда, Некаева Е. С. [Некаева Е.С., ва бошқ., 2021] қайд этилишича, COVID-19 касаллигининг авж олиш босқичида гемостаз тизимининг гиперкоагуляцияси (Д-димер ва фибриноген даражасининг ошиши) эндотелиал дисфункция (vWF, ТМ и ЭТ-1 даражасининг ошиши) билан биргаликда фаоллаштирилган.

Сўнгги йилларда республикамизда SARS-Cov-2 бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Бунда, болалар ва катталардаги COVID-19 нинг клиник ва лаборатория хусусиятлари аниқланди, постковид даврида диагностик скрининг ўтказилиб, ўпка фибрози ва тромбоэмболик асоратларнинг прогностик белгилари аниқланган [Мусабаев Э.И., 2020; Туйчиев Л.Н., 2020, 2021; Ахмедова М.Д., 2020, 2021; Мўминов Д.К., 2022].

Аммо шуни таъкидлаш керакки, COVID-19да эндотелиал дисфункциянинг ангиоген шакли бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. Узок муддатли ўпка асоратлари ривожланишига таъсир қилиши мумкин бўлган VEGF-A каби эндотелиал ҳужайралар биомаркерларни сезиларли даражада оширган беморларни тиклашда доимий эндотелиопатия билан боғлиқ инфекциянинг чўзилган шакллари сабабларини кўрсатадиган ягона изланишлар бўйича маълумотлар мавжуд. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу муаммо бўйича алоҳида тадқиқот ишлари мавжуд ва бу ўтказилган тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарканд давлат тиббиет университетининг 012000260-сонли «Ижтимоий аҳамиятга эга юкумли ва юкумли булмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илфोर технологияларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди (2018-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади бактериал пневмония билан асоратланган COVID-19 да эндотелиал дисфункция белгиларининг патогенетик аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

беморларда COVID-19 нинг пневмония билан асоратланган шакллари клиник ва лаборатор кўринишларининг хусусиятларини аниқлаш;

беморларда COVID-19 нинг пневмония билан асоратланган шаклларида VEGF-A кўрсаткичларини аниқлаш орқали эндотелиал дисфункциясини асослаш;

беморларда COVID-19 нинг пневмония билан асоратланган шакллари ривожланишидаги бактериал патогенлар спектрини аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларни даволашда глициризин кислотасининг клиник ва патогенетик таъсирини асослаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункция даражасини аниқлаш ва ажратилган бактериал патогенларни антибиотикларга сезгирликни аниқлаш асосида беморларни даволашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳридаги вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт маркази клиникасига ётқизилган пневмония билан асоратланган COVID-19 ташхиси қўйилган 210 нафар беморнинг клиник, лаборатория, инструментал ва анамнестик маълумотлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида урта оғир ва оғир даражали COVID-19 билан касалланган беморларнинг қон намуналари, бурун-ҳалқум суртмаси, балғам намуналари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш учун (проспектив таҳлил) клиник ва лаборатор усуллари, ПЗР (RNA-SARS-Cov-2), иммунофермент усули (ИЛ-6, ИЛ-1, VEGF-A, Ферритин, D-димер), инструментал усуллар (кўкрак қафаси аъзоларининг КТ, МСКТ, рентгенограммаси), бактериологик усул (клиник аҳамиятга эга бактерияларни ажратиш олиш ва антибиотикларга сезгирлик тестини диск-диффузия усули ёрдамида амалга ошириш) ва статистик (Стьюдент ва P-value мезони аниқлаш) тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пневмония билан кечувчи COVID-19 да эндотелиал дисфункция VEGF-A маркерининг эндотелиит ривожланишида патогенетик аҳамияти аниқланган;

пневмония билан кечувчи COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг авж олиш даврида ва эрта реконвалесценция даврида эндотелиал дисфункция VEGF-A ва яллиғланиш маркерларининг кўрсаткичлари ўртасида боғлиқлик асосланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал асоратларни ривожланишида *Streptococcus spp.*, *Kl. pneumoniae*, *Staph. aureus*, *E.coli* штамmlарининг этиологик аҳамияти аниқланган;

COVID-19 билан касалланган беморлардан ажратилан *Kl. pneumoniae*, *Staph. aureus*, *E.coli* штамmlарининг антибактериал воситаларга юқори резистентлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қон зардобидаги VEGF-A қон томир эндотелийси ўсиш омилининг кўрсаткичи касалликнинг ўткир даврида пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғирлигини башорат қилиш учун ва эрта реконвалесценция даврида беморнинг тикланишнинг тўлиқлигини баҳолаш учун қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади;

пневмония билан кечувчи COVID-19 билан касалланган беморларга эмпирик антибактериал терапияни бошлаш учун кўрсатма бўлиб, беморни кеч мурожаат қилиши (>8 кунлик касаллик), иситма, йирингли балғам, нафас етишмовчилиги, қонда лейкоцитоз, нейтрофил чапга силжиши билан, прокальцитонин миқдорини ортиши, ўпка тўқимасида фокал ва полисегментар ўзгаришлар хисобланиши асосланган;

беморлардан ажратилган бактериал патогенларга антибиоткларга сезгирликни аниқлаш асосида пневмония билан кечувчи COVID-19 беморларини эмпирик антибактериал даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

беморларда эндотелиал дисфункция даражасини аниқлаш асосида COVID-19 билан касалланган беморларни эрта реконвалесценция даврида реабилитация тадбирларида глициризин кислота асосидаги восита самардорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлиги, беморларнинг етарли сони, қўлланилган бактериологик, серологик, статистик таҳлил усуллари, олинган маълумотларга дастурий ёндашув асосида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот давомида олинган тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қон зардобдаги VEGF-A қон томир эндотелийси ўсиш омилининг кўрсаткичи касалликнинг ўткир даврида пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғирлигини башорат қилиш учун ва эрта реконвалесценция даврида беморнинг аҳволини мониторинги учун кулланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пневмония билан кечувчи COVID-19 билан касалланган беморларни эмпирик антибактериал даволаш ва эрта реконвалесценция даврида беморларни олиб бориш бўйича тавсиялардан фойдаланиш, асоратларни ривожланишини камайтириши, даволаниш муддатларини қисқартириши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини оширишиди билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сонли йиғилиши баённомасига мувофиқ:

биринчи илмий янгилик: пневмония билан кечувчи COVID-19 да эндотелиал дисфункция VEGF-A маркерининг эндотелиит ривожланишида патогенетик аҳамияти аниқланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 29 апрельдаги 71-сон билан тасдиқланган «Пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва оқибатларини башорат қилишда эндотелиал дисфункция маркерлари» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 19.06.2024 йилдаги 90/1-сон ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 27.05.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самардорлиги:* таклиф қилинаётган текширув усули эндотелиал дисфункция маркери VEGF-A ни эрта баҳолаш орқали пневмония

билан асоратланган COVID-19 нинг оғир шакллари ривожланишининг олдини олишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғир шакллари эрта ташхислаш, беморларда асоратлар, ўлим ҳолатларини олдини олиш, беморларнинг реабилитациясига сарфланадиган қўшимча қиммат медикаментоз ташхислаш ва даволаш харажатларини камайтириш имконини яратган;

иккинчи илмий янгилик: пневмония билан кечувчи COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг авж олиш даврида ва эрта реконвалесценция даврида эндотелиал дисфункция VEGF-A ва яллиғланиш маркерларининг кўрсаткичлари ўртасида боғлиқлик асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 29 апрельдаги 71-сон билан тасдиқланган «Пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва оқибатларини башорат қилишда эндотелиал дисфункция маркерлари» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 19.06.2024 йилдаги 90/1-сон ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 27.05.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф қилинаётган текширув усули эндотелиал дисфункция маркери VEGF-A ни аниқлаш COVID-19 билан касалланган беморларда касалликни авж олиш ҳамда эрта реконвалесценция давларида ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғир шакллари эрта ташхислаш, беморларда асоратлар, ўлим ҳолатини олдини олиш, беморларнинг реабилитациясига сарфланадиган қўшимча қиммат медикаментоз ташхислаш ва даволаш харажатларини камайтириш имконини яратган;

учинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал асоратларни ривожланишида *Streptococcus spp.*, *Kl. pneumoniae*, *Staph. aureus*, *E.coli* штаммларининг этиологик аҳамияти аниқланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 29 апрельдаги 71-сон билан тасдиқланган «Пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва оқибатларини башорат қилишда эндотелиал дисфункция маркерлари» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 19.06.2024 йилдаги 90/1-сон ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 27.05.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф қилинаётган текширув усули пневмония билан асоратланган COVID-19 билан

касалланган беморларни эмпирик антибактериал терапияни асосланган ҳолда тавсия этиш, антибактериал терапияни рационал қўллаш ҳамда клиник аҳамиятга эга микроорганизмларни антибиотикларга резистентлигини ортишини олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* пневмония билан асоратланган COVID-19 да эмпирик антибактериал терапияни рационал қўллаш орқали бир нечта антимикроб дори воситаларини қўллашни, асосланмаган ҳолда антибиотикларни тавсия этишга сарфланадиган қўшимча қиммат медикаментоз даволаш харажатларини камайтириш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 билан касалланган беморлардан ажратилан *Kl. pneumoniae, Staph. aureus, E.coli* штамmlарининг антибактериал воситаларга юқори резистентлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашнинг 2024 йил 29 апрельдаги 71-сон билан тасдиқланган «Пневмония билан асоратланган COVID-19 нинг оғирлик даражаси ва оқибатларини башорат қилишда эндотелиал дисфункция маркерлари» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг 19.06.2024 йилдаги 90/1-сон ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё вилояти филиалининг 27.05.2024 йилдаги 12-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 13 ноябрдаги 8-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф қилинаётган текширув усули пневмония билан асоратланган COVID-19 билан касалланган беморларни эмпирик антибактериал терапияни асосланган ҳолда тавсия этиш, антибактериал терапияни рационал қўллаш ҳамда клиник аҳамиятга эга микроорганизмларни антибиотикларга резистентлигини ортишини олдини олиш, антибактериал терапиядан сўнг ривожланаётган асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* пневмония билан асоратланган COVID-19 да эмпирик антибактериал терапияни рационал қўллаш орқали бир нечта антимикроб дори воситаларини қўллашни, асосланмаган ҳолда антибиотикларни тавсия этишга сарфланадиган қўшимча ташхисот ва медикаментоз даволаш харажатларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-анжуманларда ва семинарларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини абробацияси. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини Соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот берилган.


Диссертациянинг «**Янги COVID-19 коронавирус инфекцияси (адабиётлар шарҳи)**» биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар асосида ўрганилаётган муаммонинг ҳолати ҳақидаги замонавий қарашларнинг батафсил таҳлили келтирилган, COVID-19 нинг этиологик ва патогенетик жиҳатлари тўғрисида, пневмония билан оғриган беморлардан ажратилган микроорганизмларнинг бактериал спектри, клиник кўринишининг хусусиятлари, асоратлари, шунингдек, эндотелиал дисфункция ва пневмония билан асоратланган COVID-19 билан оғриган беморларни бошқариш тамойиллари тўғрисида замонавий маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг «**Бактериал пневмония билан асоратланган COVID-19 да эндотелиал дисфункция маркерларининг патогенетик аҳамияти бўйича материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифланган бўлиб, танланган беморларнинг батафсил тавсифлари, тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари тақдим этилган, шунингдек, замонавий ва амалдаги тадқиқот усуллари тавсифланган. Шундай қилиб, тадқиқотда 2020-2022 йилларда Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт марказида COVID-19 билан стационар даволанган 210 нафар беморлар киритилди. COVID-19 бўлган беморларни комплекс ташхислаш ва даволаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Янги коронавирус инфекциясининг (COVID-19) олдини олиш, диагностикаси ва даволаш» вақтинчалик услубий тавсияномаларининг беморларни касалхонага ётқизиш даврига тегишли версияларига мувофиқ амалга оширилди. Тадқиқот гуруҳига киритиш мезонлари SARS-CoV-2 учун ПЗР натижалари ижобий бўлган 20 ёшдан ошган беморлар эди. Пневмония билан боғлиқ COVID-19 ташхиси қўйилган умумий 210 бемордан 163 бемор клиник, анамнестик ва лаборатор маълумотлари таҳлили, шунингдек, беморларнинг қонида эндотелиал дисфункция (VEGF-A) маркерлари учун таҳлил ўтказилди. Назорат гуруҳини 20 нафар амалда соғлом одамлар ташкил қилди. Ўрганилаётган намунадаги (n=163) беморларнинг муҳим предикторлари, клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида янги коронавирус инфекциясида вирусли ва бактериал пневмонияни дифференциал диагностикаси учун статистик жиҳатдан муҳим регрессион модель қурилди. Прогностик регрессион моделнинг муҳим предикторлари ва бўсаға кўрсаткичларига асосланиб, беморлар 2 гуруҳга бўлинган.

Глицирризин кислота (Фосфоглив) нинг COVID-19 бўлган беморлардаги клиник ва лаборатор ўзгаришларига мембранани барқарорлаштирувчи ва яллиғланишга қарши таъсирини баҳолаш учун COVID-19 билан касалланган беморларнинг 2та бир хил гуруҳида қиёсий кузатув ўтказилди.

Олинган маълумотлар мутлақ қийматлар ва фоиз кўрсаткичларининг тавсифи билан кўрсатилди. Ўртача кўрсаткичларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимолини ҳисоблаш орқали Стюдент мезони билан аниқланди. Тарқатиш (эксцесс мезони бўйича) ва умумий дисперсияларнинг тенглиги (Фишернинг F-мезони) текширилди. Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида аҳамиятлилик даражаси $p < 0,05$ да қабул қилинди. Тадқиқот натижалари кичик намунавий усуллар ёрдамида баҳоланди.


Учинчи «Хусусий тадқиқотлар натижалари. Пневмония билан асоратланган COVID-19 билан оғриган беморларнинг клиник-лаборатор хусусиятлари» бобида пневмония билан боғлиқ COVID-19 билан оғриган беморларнинг клиник ва лаборатор тадқиқотлари натижалари тавсифланган. Беморлар касаллик оғирлик даражасига кўра 2 гуруҳга бўлинган: ўрта оғирликдаги COVID-19 билан касалланган 98 (47%) бемор, оғир даражали COVID-19 билан касалланган 112 (53%) бемор. Анамнездан маълум бўлишича, биз текширган 210 (100%) беморлардан 56/26,6% бемор касалхонага ётқизилишидан олдин амбулатор даволанган, шу жумладан антибактериал терапия (азитромицин, цефтриаксон, левофлоксацин) олган. Касалликнинг ўрта оғир ва оғир даражаси бўлган гуруҳда ҳам беморларнинг аксарияти аёл беморлар эди (1-расм).



1-расм. Текширилган беморларнинг касаллик оғирлик даражаси ва жинси бўйича тақсимланиши (n=210)

Текширувдан ўтган COVID-19 бўлган беморларни ёш бўйича тақсимлаш таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг энг катта гуруҳи 50 ёшдан ошган беморлар бўлиб, беморларнинг умумий гуруҳидаги ўртача ёши $52,4 \pm 0,99$ ёш (mediana – 52 ёш, min. - 18 ва max. - 89 ёш). Касалликнинг оғир шакли билан

оғриган беморлар гуруҳини ўртача ёши $55,97 \pm 1,19$ ёш бўлган беморлар, касалликнинг оғир шакли билан оғриган аёлларнинг ўртача ёши $57,12 \pm 1,17$ ёшни, эркаклар $54,65 \pm 1,21$ ёшни ташкил этган. Касалликнинг ўрта оғирликдаги шакли бўлган текширилган беморларнинг ўртача ёши $48,48 \pm 1,54$ ёшни ташкил этди, бу беморлар гуруҳидаги аёллар ва эркакларнинг ўртача ёши деярли бир хил бўлди (мос равишда $48,44 \pm 1,54$ ва $48,56 \pm 2,18$ ёш) (2-расм).



2-расм. Текширилаётган беморларнинг касаллик оғирлик даражаси ва ёшига қараб тақсимланиши

Касалхонага ётқизилишдан олдинги ўртача касаллик кунни оғир шакллари ($7,85 \pm 0,32$ кун) билан оғриган беморларда ўрта оғир шакли ($6,91 \pm 0,32$ кун) билан оғриган беморларга қараганда бир оз кўпроқ эди, аммо бу қийматлар ўртасида сезиларли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$).

Оғир шаклдаги COVID-19 билан касалланган барча беморлар касалхонага ётқизилишнинг 10-кунида яхшиланиш билан чиқарилди, ўртача ётоқ-кун $8,10 \pm 0,26$ кунни ташкил қилди. COVID-19 нинг ўрта оғир шакли бўлган беморлар ҳам касалхонага ётқизилганининг 8-кунида яхшиланиш билан чиқарилди, ётоқ-кунлари ўртача $7,30 \pm 0,23$ кунни ташкил этди.

Касалликнинг ҳам оғир ҳам ўрта оғир шакллари бўлган барча беморларда касалликнинг ҳароратнинг ошиши (100%) билан ўткир бошланиши кузатилган. Беморларни юқори частота билан йўтал (мос равишда 100; 89,2% ва 94; 95,9%), ҳолсизлик (мос равишда 112; 100% ва 95; 96,94%), иштахани йўқолиши (мос равишда 105; 93,75% ва 93; 94,9%), ҳансираш (мос равишда 94; 83,9% ва 86; 87,8%) каби симптомлар безовта қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник симптомлари таҳлили (n=210)

| Шикоятлар | Оғир шакли (n=112) | | Ўрта оғир шакли (n=98) | | Жами беморлар | |
|------------------------|--------------------|------------|------------------------|-------------|---------------|------------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| Гипертермия | 112 | 100,0±0,94 | 98 | 100,0±1,01 | 210 | 100,0±0,69 |
| Ҳолсизлик | 112 | 100,0±0,94 | 95 | 96,94±0,99 | 207 | 98,57±0,68 |
| Иштаҳа йўқолиши | 105 | 93,75±0,91 | 93 | 94,90±0,98 | 198 | 94,29±0,67 |
| Миалгия | 26 | 23,21±0,45 | 16 | 16,33±0,41* | 42 | 20,0±0,31 |
| Томоқ қичиши | 34 | 30,36±0,52 | 26 | 26,53±0,52* | 60 | 28,57±0,37 |
| Ваража | 80 | 71,43±0,80 | 12 | 12,24±0,35* | 92 | 43,81±0,46 |
| Ҳансираш | 94 | 83,93±0,86 | 86 | 87,76±0,94* | 180 | 85,71±0,64 |
| Йўтал | 100 | 89,29±0,89 | 94 | 95,92±0,98* | 194 | 92,38±0,66 |
| Аносмия/ гипосонмия | 54 | 48,21±0,65 | 18 | 18,37±0,43* | 72 | 34,29±0,40 |
| Дисгевзия | 43 | 38,39±0,58 | 9 | 9,18±0,31* | 52 | 24,76±0,34 |
| Диарея | 19 | 16,96±0,39 | - | - | 19 | 9,05±0,21 |
| Бош айланиши | 17 | 15,18±0,37 | 12 | 12,24±0,35* | 29 | 13,81±0,26 |
| Кўп терлаш | 47 | 41,96±0,61 | 28 | 28,57±0,54* | 75 | 35,71±0,41 |
| Оёқда оғриқ | 12 | 10,71±0,31 | 5 | 5,10±0,23* | 17 | 8,10±0,20 |

Изоҳ: *- p<0,05 касалликнинг оғир шаклига нисбатан кўрсаткичларда фарқ ишончли

Текширувдан ўтган COVID-19 билан касалланган беморларда коморбид касалликлар таҳлили касалликнинг оғирлик шаклига қараб ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал


Текширувдан ўтган COVID-19 билан касалланган беморларда йўлдош касалликларнинг таҳлили

| Йўлдош патология | Жами беморлар (n=210) | | Оғир шакли (n=112) | | Ўрта оғир шакли (n=98) | |
|------------------|-----------------------|------------|--------------------|------------|------------------------|-------------|
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| ЮИК | 69 | 32,86±0,39 | 46 | 41,07±0,60 | 23 | 23,47±0,49* |
| АГ | 37 | 17,62±0,29 | 28 | 25,0±0,47 | 9 | 9,18±0,31* |
| Семириш | 10 | 4,76±0,15 | 4 | 3,57±0,18 | 6 | 6,12±0,25* |
| Қандли диабет | 16 | 7,62±0,19 | 14 | 12,50±0,33 | 2 | 2,04±0,14* |
| Анемия | 67 | 31,90±0,39 | 40 | 35,71±0,56 | 27 | 27,55±0,53* |
| Бронхиал астма | 7 | 3,33±0,13 | 5 | 4,46±0,20 | 2 | 2,04±0,14* |
| СБЕ | 3 | 1,43±0,08 | 3 | 2,68±0,15 | - | |
| СВГ | 4 | 1,90±0,10 | 2 | 1,79±0,13 | 2 | 2,04±0,14 |
| Жигар гепатози | 5 | 2,38±0,11 | 2 | 1,79±0,13 | 3 | 3,06±0,18* |
| Сур.пиелонефрит | 22 | 10,48±0,22 | 17 | 15,18±0,37 | 5 | 5,10±0,23 |

Изоҳ: *- p<0,05 касалликнинг оғир шаклига нисбатан кўрсаткичларда фарқ ишончли

Хусусий тадқиқотимиз натижасида, ўрганилган беморларнинг 73,8% да (155) анамнезда йўлдош патология борлиги ва уларнинг 56,6% да (119) COVID-19 оғир шаклининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган кўшма патология (гипертония касаллиги, ЮИК, ҚД, семизлик, сурункали пиелонефрит) мавжудлиги қайд этилди.

Касалхонага ётқизиш вақтида беморларнинг кўпчилигида (92,4%) ўпка тўқималарининг шикастланиш даражасини аниқлаш учун кўкрак қафаси органларининг МСКТ (компьютер томографияси, рентгенограммаси) ўтказилди. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, 83 (42,8%) беморларда ўпка тўқималарининг 25% гача зарарланиши (КТ-1), 43 (22,2%) беморларда ўпка тўқималарининг 25% дан 50% гача зарарланиши (КТ-2) ва 68 (35%) беморда ўпка тўқималарининг 50% дан юқори зарарланиши (КТ-3) аниқланган (3-расм). 32 (23,0%) беморда даволанишга қарамай, касалхонага ётқизилганда динамикада ўпка тўқималарининг шикастланиши фоизининг ортиши кузатилди, бу КТ-3 ўпкаси шикастланган беморларга хос бўлди.



3-расм. КТ/МСКТ ёрдамида COVID-19 билан текширилган беморларда ўпка тўқималарининг шикастланиш ҳажми (n=194)

Биз текширган беморларда ўткир нафас етишмовчилигининг беморлар жинси ва касаллик оғирлигига қараб тақсимланишининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ЎНЕ-1 асосан касалликнинг ўрта оғир шакли бўлган беморларда (44; 21,0%), лекин аёлларга нисбатан (14; 14,3%) эркакларда (30; 10,2%) кўпроқ аниқланади. Оғир шаклда ЎНЕ-1 аёлларда 10 (8,9%) ҳолатда ва эркакларда 2 (1,8%) ҳолатда аниқланган. Шундай қилиб, ЎНЕ-2 умумий гуруҳда 98 (46,7%) ҳолатда, ўрта оғирликдаги шаклида аёлларда 7 (7,1%) ҳолатда ва эркакларда 3 марта кўп кузатилди (20; 20,4%), оғир кечиша эга гуруҳда ЎНЕ-2 ҳам аёлларда (28; 25,0%) нисбатан эркакларда (43; 38,4%) кўп кузатилди. ЎНЕ-3 фақат оғир шакли бўлган беморда эркакларда (16; 14,3%) аёлларга қараганда 5 марта кўпроқ (3; 2,7%) кузатилди.

Текширилаётган COVID-19 билан касалланган беморларда аниқланган асоратларнинг частотасини таҳлил қилиш натижасида, оғирлик шаклига қараб, 113 (53,8%) беморларда икки томонлама интерстициал пневмония, 73 (34,7%) беморда икки томонлама полисегментал пневмония аниқланган, жумладан, оғир шакли бўлган беморлар 58 тани (51,9%) ташкил этди. 36 (17,14%) беморда тўлиқ сўров ўтказилганда улар илгари гипергликемия белгилари (қонда қанд миқдори, ташналик, қичишиш) бўлмаганлиги аниқланди. Оғир беморлар гуруҳида гипергликемия ўрта оғирликдаги беморларга қараганда 2 баравар кўпроқ аниқланган (мос равишда 26; 23,21% ва 10; 10,2%).

Беморларда нафас етишмовчилиги асосан оғир кечишида кузатилди ва 71 (63,3%) беморда 2 даражали НЕ устунлик қилди. Оғир шакллари бўлган

беморларда 4 та ҳолатда (3,57%) ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги кузатилди. Касалликнинг оғир шакли бўлган 6 нафар (5,36%) беморда ва ўрта оғирликдаги 2 (2,04%) беморда энцефалопатия аниқланди.

Жисмоний маълумотларнинг таҳлиliga кўра, тана ҳароратининг кўтарилиши юрак уриш тезлигининг ошишига олиб келади, жумладан, ўрта оғир шакли бўлган беморларда дақиқада ўртача $84,91 \pm 0,75$ зарбагача, оғир шаклда эса дақиқада $96,41 \pm 1,00$ зарбагача ошди.

Ўз навбатида, қоннинг кислород билан тўйинганлиги даражаси патогенетик жиҳатдан кўпинча коронавирус инфекцияси пайтида ривожланадиган нафас етишмовчилиги даражаси билан боғлиқ. Нафас олиш тезлиги ҳам нафас олиш етишмовчилиги даражасига боғлиқ.

Шундай қилиб, ўрта оғир шаклда сатурация ўртача $90,02 \pm 0,27\%$ ни ташкил этди, оғир шаклда сатурациянинг $87,60 \pm 0,67\%$ гача пасайиши кузатилди. Йўтал симптоми 210 (100%) беморда кузатилган. Текширилаётган беморларнинг йўталининг табиатига кўра, касаллик бошланганда 57 (29,38%) беморда кам балғамли йўтал, 112 (57,73%) беморда қуруқ йўтал бўлган. Жараённинг ҳал бўлиш даврида йўтал балғамли бўлиб, баъзан йирингли балғамнинг ажралиши кузатилди. Барча 210 (100%) беморда аускультацияда маҳаллий жисмоний ўзгаришлар аниқланди. Шу билан бирга, 29 (13,98%) беморда шикастланган жойда перкутор товушнинг тўмтоқлашиши, аускультация пайтида нафаснинг сустлашиши қайд этилган. 31 (14,76%) беморда шикастланиш устида нафас олиш характерининг сусайиши кўринишида ўзгариши, 93 (44,29%) беморда дағал нафас олиш қайд этилган. 57 (27,14%) беморда маҳаллий нам хириллашлар ва крепитация аниқланган.


Лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши катта клиник аҳамиятга эга бўлиб, бу нафақат яллиғланиш жараёнининг оғирлигини баҳолаш, балки даволашни коррекциялаш имконини берди. Умумий қон таҳлилида, асосан, лейкоформула кўрсаткичлари бўйича оғишлар аниқланди. Гуруҳлардаги лейкоцитлар, лимфоцитлар, нейтрофиллар, тромбоцитларнинг ўртача қиймати референс интервал оралиғидан ташқарига чиқмади, оғир шаклга эга бўлган гуруҳда эса ЭЧТ нинг бироз ошиши ($22,95 \pm 1,49$) хос бўлди. Касалликнинг оғир шаклига чалинган беморлар (n-112) орасида 9 беморда лейкопения аниқланди. Оғир шакли бўлган 23 беморда (20,5%) лейкоцитоз ортди ($28,7$ минг/мм³ гача), ўрта оғир шаклида максимал қиймат 11 минг/мм³ ни ташкил этди; лимфопения оғир шаклли беморларда 9,8%, ўртача шаклда 15,3% ҳолларда кузатилди.

Коагуляция бузилишининг акс этиш даражаси касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлиб, касалликнинг оғир шаклига чалинган беморларда Д-димер даражаси сезиларли даражада юқори бўлди. СРО, прокальцитонин, ферритин, ИЛ-6 ва ИЛ-1 каби яллиғланиш маркерларининг даражаси ҳам беморларнинг иккала гуруҳида касалликнинг ўткир даврида сезиларли даражада ошди.

Касалхонага ётқизиш вақтида беморлар қоннинг биокимёвий таҳлили кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Ушбу ўзгаришларнинг кўлами COVID-19 нинг оғирлик шакли кучайиши билан ортди.

Текширувдан ўтказилган COVID-19 билан касалланган 210 (100%) беморнинг натижалари тахлили шуни кўрсатдики, беморларнинг 186 нафари (88,5%) соғайган ҳолда участка шифокори назорати остида уйига чиқарилган, 16 нафар (7,62%) бемор терапия бўлимига ўтказилган, 5 нафар (2,38%) бемор кардиология бўлимига, 3 нафар (1,42%) бемор даволашни давом эттириш учун пульмонология бўлимига ўтказилган.

Шунингдек, COVID-19 билан касалланган 163 нафар беморда ҳолатнинг оғирлиги, беморлар жинси ва йўлдош касалликларга қараб, қон томир эндотелиал ўсиш омили - VEGF-A - эндотелиал дисфункция маркери ўрганилди. Шундай қилиб, биз қабул пайтида текширган касалликнинг ўрта оғир шакли бўлган беморларда VEGF-A даражаси меъёрий кўрсаткичлардан 2,34 баравар ошди ($303,02 \pm 21,47$ пг/мл, меъёр $129,50 \pm 18,29$ пг/мл, $p < 0,01$). Касалликнинг оғир шакли бўлган беморлар гуруҳида VEGF-A даражаси ўртача $390,52 \pm 29,05$ пг/мл га етди. VEGF-A даражасининг кўтарилиши COVID-19 нинг оғир шакли бўлган беморларда касалхонадан чиққандан сўнг ($466,56 \pm 37,59$ пг/мл) ҳам ошиши кузатилди, касалликнинг ўрта оғир шакли бўлган беморларда эса VEGF-A даражаси, аксинча, $237,60 \pm 17,03$ пг/мл ($p < 0,01$) гача камайди ва жавоб берилгандан кейин 1 ой ўтгач, меъёрий қийматгача камайди.



4-расм. Текширилган беморлар қабул қилинганда турли оғирлик шаклларига кўра VEGF-A маркерининг ИЛ1, ИЛ6, СРО, прокальцитонин ва ферритин билан ўзаро боғлиқлик коэффиценти (n=163)

VEGF-A даражасининг яллиғланиш реакциясининг бошқа маркерлари даражаси ўзгариши ўртасидаги боғлиқликнинг кучини аниқлаш учун корреляцион тахлил касалликнинг оғир ва ўрта оғир шаклларида VEGF-A даражаси билан ИЛ1 цитокин (мос равишда $p=0,711$ ва $0,706$), С-реактив оқсил билан ($p=0,718$ ва $1,0$ мос равишда), ферритин билан касаллик ($p=0,776$ ва $0,955$) ва прокальцитонин (мос равишда $p=0,839$ ва $0,814$) билан кучли тўғридан-тўғри боғлиқликни аниқлади, ИЛ6 ($p=0,681$ ва $0,628$) билан ўртача тўғридан-тўғри корреляция аниқланди (4-расм).

Касаллик динамикасида биз ўрганган барча яллиғланиш

маркерларининг кўрсаткичларида пасайиш кузатилди, шу билан бирга VEGF-A ўсиш омили маркерининг даражаси оғир шаклларда ошишда давом этди ($466,56 \pm 37,59$), ва касалликнинг ўрта оғир шаклларда ($237,60 \pm 17,03$) бир оз камайди. Шу билан бирга, яллиғланишнинг бошқа маркерлари билан турли даражада корреляция сақланиб қолади. Шундай қилиб, VEGF-A касаллигининг оғир ва ўрта оғир шаклларида ўртача тўғридан-тўғри корреляция ИЛ1 (мос равишда $p=0,421$ ва $0,551$), СРО (мос равишда $p=0,548$ ва $0,502$), ферритин ($p=0,304$ ва $0,386$, мос равишда), прокальцитонин билан ($p=0,595$ ва $0,439$, мос равишда), ИЛ6 билан кучли тўғридан-тўғри корреляция (мос равишда $p=0,921$ ва $0,532$) кузатилди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, ўпка тўқималари шикастланиш ҳажми яллиғланиш маркерларининг даражасига мутаносиб эди. VEGF-A даражаси ва қондаги яллиғланиш маркерлари ўртасидаги боғлиқлик унинг яллиғланиш биомаркери сифатидаги ролини, касалликнинг ўткир даврида ҳам, эрта реконвалесценция даврида ҳам эндотелиал дисфункциянинг ривожланишини тасдиқлайди. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, эндотелиал дисфункция маркери, қон томир эндотелиал ўсиш омили VEGF-A, жинс, ёш ва коморбидлик билан боғлиқ. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қон томир эндотелиал ўсиш омили VEGF-A ва яллиғланиш маркерларининг ортиши касалликнинг оғир шакли бўлган эркак беморларда сезиларли даражада кўпроқ кузатилган. VEGF-A ўсиш омили маркерининг динамикасини таҳлил қилиш турли даражадаги асоратлар ривожланиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатди. Шундай қилиб, 2 томонлама интерстициал ва полисегментар пневмония билан оғриган ўрта оғир шакли беморларда касалхонага ётқизилганидан кейин (мос равишда $303,81 \pm 31,67$ ва $347,43 \pm 45,07$ пг/мл) ва жавоб бериш пайтида ($286,51 \pm 28,731$ ва $28,51 \pm 28,714$) пг/мл, мос равишда $p < 0,05$) ҳам, касалликнинг оғир шакллари бўлган беморларда клиникага ётқизилганда ($398,26 \pm 55,87$ ва $402,04 \pm 46,31$ пг/мл, мос равишда, $p < 0,05$) ва реконвалесценция даврида жавоб берилганда ҳам ($449,67 \pm 59,42$ ва $450,94 \pm 458,5$ пг/мл, мос равишда, $p < 0,05$) меъёрий қийматларига ($129,50 \pm 18,29$ пг/мл) нисбатан сезиларли даражада ошиши кузатилди. Биз текширган беморларда қандли диабет, НЕ 3-даражаси, ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги, энцефалопатия каби асоратларнинг ривожланиши юқори даражадаги эндотелиал дисфункция билан бирга кечиб, касалликнинг оғир шаклларида сезиларли акс этди ($686,05 \pm 59,66$; $86,05 \pm 59,6$; $793,11 \pm 193,35$ ва $758,01 \pm 93,51$, мос равишда $p < 0,01$), бу ҚД, ЎЮҚТЕ ва энцефалопатияда реконвалесценция даврида ҳам ошишда давом этди (мос равишда $734,92$; $845,73$ ва $816,78$ пг/мл).

Сурункали йўлдош касалликлари бўлган барча беморларда эндотелиал дисфункция кузатилади. COVID-19 фонида коморбидлиги бўлган беморлар сурункали йўлдош патологиянинг декомпенсацияси ва ўткир асоратларнинг ривожланиши туфайли нохуш оқибатлар хавфини оширади.

Кузатувдаги беморларда юрак ишемик касаллиги (ЮИК), артериал гипертензия (АГ), анемия, қандли диабет (ҚД), сурункали пиелонефрит (СП) ва семизлик каби йўлдош касалликлари бўлган беморларда ($n=163$) VEGF-A

эндотелиал дисфункция маркерларини таҳлил қилганда, бу кўрсаткичнинг юқори даражаси аниқланди, бу касалликнинг оғир шаклларининг ҳам ўткир даврида, ҳам эрта реконвалесценция даврида намоён бўлди. Эндотелиал дисфункциянинг узок муддат сақланиб туриши COVID-19 да барқарор эндотелиопатия шароитида сурункали касалликларнинг авж олиш эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатади.

COVID-19 билан боғлиқ пневмония билан оғриган беморлардан олинган материални бактериологик текшириш натижалари шуни кўрсатдики, бактериологик текширишнинг ижобий натижаси 141 (75,81%) беморда аниқланган, улардан 63 (44,68%) бемор ўрта оғир ва 78 (55,32%) бемор COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган.

Беморлардан олинган балғам намуналарини ўрганишнинг бактериологик усулидан фойдаланиб, *Streptococcus* жинсининг грам-мусбат коккларини ва *Candida* жинсининг замбуруғларини ажратиш мумкин бўлди. Шундай қилиб, *S.pneumoniae* 7 (4,96%) бемордан ажратилган, *Staph. aureus* 37 (26,24%) беморларда ва *Staph. intermedius* 9 (6,38%) бемордан ажратилган, *Kl. pneumoniae* 8 (5,67%) беморда, *E.coli* 4 (2,84%) беморда ва *Candida spp* 35 (24,82%), *C. albicans* 41 (29,08%) бемордан ажратилган (3-жадвал).

3-жадвал

COVID-19 билан текширилган беморлардан олинган намуналардан бактериологик усул билан ажратилган патогенлар спектри (n=141)

| Микроорганизмлар | Балғам, н/г шиллик | | | | Жами % | |
|-----------------------------------|--------------------------|------------|------------------|-------------|--------|------------|
| | Ўрта оғир шакли n= 63 | | Оғир шакли, n=78 | | | |
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| <i>Streptococcus pneumoniae</i> | 2 | 3,17±0,22 | 5 | 6,41±0,29* | 7 | 4,96±0,19 |
| <i>Staphylococcus aureus</i> | 7 | 11,11±0,42 | 30 | 38,46±0,70* | 37 | 26,24±0,43 |
| <i>Staphylococcus intermedius</i> | 5 | 7,94±0,35 | 4 | 5,13±0,26 | 9 | 6,38±0,21 |
| <i>Klebsiella pneumoniae</i> | 3 | 4,76±0,27 | 5 | 6,41±0,29* | 8 | 5,67±0,20 |
| <i>E.coli</i> | 2 | 3,17±0,22 | 2 | 2,56±0,18 | 4 | 2,84±0,14 |
| <i>Candida spp.</i> | 10 | 15,87±0,50 | 25 | 32,05±0,64* | 35 | 24,82±0,42 |
| <i>Candida albicans</i> | 3 | 4,76±0,27 | 38 | 48,72±0,79* | 41 | 29,08±0,45 |

Изох: *- p<0,05 касалликнинг оғир шаклига нисбатан кўрсаткичларда фарқ ишончли

S. pneumoniae каби клиник аҳамиятга эга бактериал патогенларнинг сезгирлигини таҳлил қилиш заҳирадаги гуруҳ антибиотикларига (фторхинолонлар, меропенем, ванкомицин, линезиолид) юқори сезувчанлик (100%), пенициллинга 72% ҳолларда резистентлик сақланиб қолганлигини кўрсатди, макролидларга ҳам резистентлик аниқланди. *Staph. aureus* штамлари цефалоспоринларга, макролидларга нисбатан юқори резистентлик ва рифампицинга 100% сезгирлик кўрсатди. *Kl.pneumoniae* ва *E. Coli* штамлари бир хил антибиотиклар учун текширилди, пенициллинлар гуруҳига, шу жумладан химояланган пенициллинларга резистентлик 90-100% ҳолларда, заҳира антибиотикларга (меропенем ва эртропенем) 100% резистентлик аниқланди. *E. Coli* штамларининг антибиотикларга

сезувчанлигини текшириш натижалари кенг спектрдаги антибиотикларга юқори резистентлик кўрсатди, имипенем, меропенем, эртропенемга 100% сезгирлик аниқланди.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот COVID-19 билан боғлиқ пневмония билан оғриган беморлардан олинган намуналарда клиник аҳамиятга эга бактериал патогенлар спектрини аниқлаш, шунингдек, ажратилган патогенларнинг антибиотикларга сезгирлиги тўғрисида маълумотларни олиш имконини берди. Беморлардан ажратилган штаммларнинг антибиотикларга сезгирлик тести натижалари COVID-19 билан боғлиқ бўлган пневмония билан касалланган беморлар учун эмпирик антибактериал терапияни танлаш бўйича асосли тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди.

